

ЎЗБЕКИСТОН РАСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ДИРИЖЁРЛИК

фанидан намунавий дастур

100000-Таълим

Билим соҳаси 140000 - Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогик фанлар

Бакалавриат йуналиши В 142200
Мусика таълими ва эстетик тарбия

ТОШКЕНТ 2000

Дирижёрлик фани бўлажак бакалаврларни тайёрлашдаги асосий ихтисослик фанларидан бири ҳисобланади. Мазкур дастур педагогика олий укув юртла-рининг мусика факультетлари ёки булимларида дирижёрлик фанини ўқитиш бўйича қўйиладиган барча талабларни ҳисобга олган ҳолда тузилган.

Дирижёрлик фанида талабалар турли улчов, метр ва услубларда яратилган асарларни таҳлил қилиш, унга тўғри дирижёрлик қилиш ва уларни хорга ўргатиш назарияси ва амалиётини ўрганадилар. Бу фан бўлажак дирижёр, хор раҳбари ва мусика ўқитувчисининг шаклланишида етакчи ўрин тутди. Мазкур дастурда талабаларга қўйиладиган барча талаблар ҳисобга олинган ва уни амалий эгаллаш учун репертуарлар белгилаб берилган.

ТУЗУВЧИЛАР: п.ф.н., профессор К.М.МАМИРОВ
Катта ўқитувчи Х.А.ШАРИПОВА

ТАКРИЗЧИЛАР: М.Ашрафий номли ТДК доценти,
Республикада хизмат курсатган артист
А.В.ХАМИДОВ
Катта ўқитувчи В.А.ЖИВЕТИН

МУХАРРИР: А.МИРАЗИЗОВ

Дастур Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети Илмий кенгашининг 1999 йил 28 июндаги 13-сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

Университет ректори

Б.Г.КОДИРОВ

С Низомий номидаги ТДПУ
1. СУЗ БОШИ

Хор дирижёрлиги – мусика педагогика факультетларида ўқитиладиган ихтисослик фанларидан биридир.

Мусика ўқитувчиси иш фаолиятида талабалар билан вокал- хор ишларини олиб бориш билан бир каторда хор дирижёрлиги бўйича ҳам маълум билимга эга бўлиши лозим. Талабалар хор дирижёрлиги доирасидаги барча фанларни мукамал билишлари, улар орасидаги узаро алоқадарликни яхши англаб олишлари лозим.

Янги укув режасига қўра хор дирижёрлиги фани беш йиллик укув муддатига мулжалланган.

Машгулотлар гуруҳларда ва яқка тартибда олиб борилади. Бу укув режасида хор партитураларини ўқиш бўйича алоҳида вақт ажратилмаган, аммо талабани хор дирижёрлиги бўйича ўқитиладиган коллоквиумларга тайёрлаш жараёнида бевосита хор партитураларини ўқитиш ҳам амалга оширилади.

Дирижёрлик курсининг асосий мақсади гоёвий жихатдан барқарор, эстетик ривожланган, дарсада ва дарсдан ташқари ташкил қилинадиган тугаракларда ўқувчиларнинг вокал-хор фаолиятларини такомиллаштириш

ишларини ташкил кила оладиган етук мусика уқитувчиларини тарбиялаб етиштиришдан иборатдир. Бу мақсад талабани хор дирижёрлиги буйича тайёрлашнинг бутун тизимида амалга оширилади.

Дирижёрлик фанининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- булажак мусика уқитувчиларининг мусика тинглаш қобилияти, оҳанг хисси, мусикавий хотираси, мусика идроки ва ижрочилик маҳоратини устириш ва такомиллаштириш;
- уларнинг умумтаълим мактабларида вокал-хор ишларини амалга оширишларини таъминловчи билимлардан хабардор қилиш ва бу соҳа учун етарли малака ҳосил қилиш.

Дирижёрликнинг ижтимоий – сиёсий, психологик-педагогик, мусикавий-назарий ва ижрочилик фанлари билан боғлиқлиги таълим-тарбия жараёни сифатини яхшилашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Дирижёрлик билан хоршуносликнинг узаро боғлиқлиги, айниқса, муҳимдир, чунки, бир томондан дирижёрлик синфида хор асарларини онгли идрок этиш, шарҳлаш ва ижро қилиш учун хоршуносликда олинган билимлар зарур бўлса, иккинчи томондан, муайян асарлар устида амалий иш олиб борилгандагина хор ижрочилиги назариясини тулиқ узлаштириш мумкин.

Укув материалларини режалаштириш

Педагог дастлабки ярим йиллик бошида, кейин эса хар кайси ярим йиллик охирида дастур талабларига ва талабанинг мусикавий тайёргарлиги даражасига мувофик унинг билим, куникма ва малакаларни узлаштириши буйича уз иш режасини тузади. Хар кайси курс режаси муайян хор асарлари материали асосида амалга оширилади. Укув репертуарини танлашда, биринчидан, ашула-хор асарларини урганиш, талкин ва мукаммал ижро этиш йулларини узлаштиришни, иккинчидан эса, ана шу мисолларни муайян асарлар устида ишлаш пайтида куллашни хисобга олиш мақсадга мувофикдир.

Репертуар аста-секин мураккаблаштириш тамойили асосида тузилади. Айрим холларда (агар бу талабанинг касбий усишига ва уз кучига ишонч хосил килишига ёрдам берса) унинг шахсий режасига кийинрок асарларни хам киритишга йул куйилади.

Репертуарга болалар, аёллар, эркаклар хорлари ва аралаш хор учун ёзилган асарлар, шунингдек, мактаб дастуридаги асарлар киритилади. Хор синфи дастуридан хар кайси ярим йилликда биттадан, битирувчи курсда эса, купрок асар олиниши мумкин. Шунда талаба хорнинг уз тасаввуридаги ва амалдаги жарангдорлигини киёслаш, хор рахбарининг “уз асарини” урганиш жараёнини кузатиш, иложи булса, репетиция ишларига кушилиш имкониятига эга булади.

Хар бир талабанинг шахсий дастурига мустакил ишлаш учун битта-иккита асар киритилади. Бу иш хар бир асарни урганишда талабаларнинг мустакиллиги ортиб борадиган тарзда ташкил этилиши керак. Бунга эса уларнинг махсус билимларни узлаштиришлари ва педагог турли йуналтирувчи саволлардан фойдаланиши оркали, репертуар (ухшаш, кейин тобора мураккаброк таълимий) топширикларини танлаш оркали эришилади.

Укув репертуари юксак бадий савиядаги хилма-хил кушиклардан, классик хамда замонавий бастакорларнинг асарларидан иборат булиши лозим.

Мазкур репертуар хар бир курс дастурини талабалар томонидан узлаштирилишини таъминлаши, талабаларда хиссиёт ва кизикиш уйготиши, уларни мусика уқитувчиси касбини эгаллашга, хор булиб куйлашга рағбатлантириши керак. Шунингдек, у уқитувчиларнинг келажакдаги ишида амалий ахамият касб этиши, яъни уқитувчига бевосита ёрдам берадиган булиши шарт. Ривожлантирувчи характеридаги асарлар микдори (мактаб репертуаридаги дастур асарларини хисобга олмаганда) уртача 50 фоиздан ортмаслиги лозим.

Ярим йиллик охирида уқитувчи талабаларнинг дастурни бажаргани ва таълим-тарбия жараёни натижалари юзасидан киска хисобот тайёрлайди. Унда мазкур ярим йилликда талабанинг касбий тайёргарлигини, шахсий сифатларини ва уқишга муносабатини баҳолайди: эришган ютуқлари ва йул куйган камчиликларини баён килади хамда ана шу камчиликларни бартараф этишга доир тавсиялар беради.

Шундан сунг талабанинг кейинги ярим йилликда бажарадиган ишлари режалаштирилади.

Дирижёрлик синфидаги таълимнинг якка тартибдаги шакли талабалар узлаштиришининг календар ва дарс режаларини тузишни талаб килмайди, лекин асарларни (ва уларга боглик дастур талабларини) узлаштириш муддатлари ярим йиллик бошида талабалар билан биргаликда режалаштирилади.

Талабалар ишини назорат килиш

Талабаларнинг укишга ижобий муносабатда булиши, мунтазам равишда ишлаши назоратнинг изчиллигига, унинг шакл ва усулларига купрок богликдир. Дирижёрлик синфларидаги якка тартибдаги машгулотлар педагог учун хар бир дарсда талабанинг уй вазифаси натижаларини текшириш имконини яратади. Бунда талаба педагогнинг хар бир дарсдаги топширигини махсус дафтарга ёзиб бориши, шунингдек, асарларни тайёрлаш муддатларини режалаштирилиши катта ахамиятга эга.

Хисоботнинг турли шакллари-талабалар бажарган ишлар натижасини вақт-вақти билан купчиликка намойиш этиб туриш, хусусан, якуний рейтингларга киритилмайдиган асарларни уз гурухидаги талабалар олдида ижро этиш; гурух ёки курс талабалари олдида дирижёрлик килиш; укув хори билан хор асарларини урганиш, академик концертларда дирижёрлик килиш; ярим йилликда килинган ишлар натижаларини дирижёрлик секцияси укутувчиларига намойиш этиш; педагогик амалиёт вақтида мактаб хорига дирижёрлик килиш – касбий махоратни ошириш, таълим сифатини юксалтиришнинг мухим омиллари саналади.

Мактаб репертуарини эшитиб куришда назоратнинг очик шаклларида фойдаланиш ниҳоятда мухимдир. хар бир талаба уз иш натижаларини 8-10 нафар курсдошлари ва 2-3 нафар укутувчидан иборат гурухга намойиш этади. Барча катнашувчилар ва ижрочи чиқишни муҳокама киладилар. Курс талабларидан келиб чиқкан холда ютук ва камчиликлар курсатилади ҳамда баҳоланади. Хисоботнинг бундай шакли, бир томондан, санъаткорлик махоратини устириш, иккинчи томондан, узига танкидий муносабатда булиш, танкидий фикрларни хайрихохлик билан айта олиш ҳамда билимни баҳолаш мезонини билиб олиш имконини беради.

Якуний рейтингларда асарлар ижроси учун ва дастур талабларини билиш учун куйиладиган баҳо дирижёрлик техникаси, хиссиётлилик, партияларни куйлаш, партитурани чалиш, коллоквиум ва аннотация учун куйиладиган баҳолардан келиб чиқади. Рейтинг баҳоларини куйишда мактаб репертуарини узлаштириш натижалари ҳам хисобга олинади.

Баҳо мезонлари:

“5” - асарларни муаллиф гоёларини чукур англаган холда ижро этганлик, ишонарли талкин ва ифодалилик, назарий материалларни яхши билиш, дирижёрлик усулларини тугри куллай олинганда;

“4” - ижро унчалик ёркин булмаган, муаллиф матни тугри етказилса-да, талкин унчалик ишонарли чикмаган, ифодалилик етишмаган, дирижёрликда айрим ноаникликларга йул куйилган, коллоквиум саволларига тулик жавоб берилмаган холларда куйилади:

“3” - ижрода талкинлар ишонарли чикмаган, ижро ифодали булмаган, дирижёрлик харакатлари бирмунча ноаник, коллоквиум саволларига аник жавоб берилмаган холларда куйилган:

“2” - муаллиф матнини ноаник етказилган, талкин ишонарсиз чиккан, кул харакатлари ифодасиз булган холларда куйилади.

2. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРНИНГ МАЗМУНИ

2.1. Дирижёрлик апаратини техникани эгаллашга тайёрлаш

Дирижёрлик апаратини бушатиш ва эркин сусайтириш учун машклар. Дирижёрлик апаратини (билак, панжа ва кулларнинг харакатларини) такомиллаштириш учун машклар. Легато ва нон легатога дирижёрлик штрихлари элементлари: “буёкчилар чуткаси”, майин харакатда ботик ва кабарик чизиклар хосил килиш (кулларни юкори тутиб турган холатдан бутунлай ташлаб юбориш ва панжараларни машк килдириш).

Дирижёрлик билим ва малакалари

1.Булажак мусика укитувчиларини хор дирижёрлиги буйича тайёрлашнинг умумий масалалари;

а/ мусика укитувчиси ва болалар хор жамоалари рахбарларини тайёрлашда дирижёрлик синфининг роли;

б/ дирижёр-узининг “мусика асбоби”ни яратадиган ижрочи;

в/ дирижёрнинг ижрочилар жамоси билан мулокот воситалари (сузлашиш, куйлаш, чалиш ва дирижёрлик килиш);

г/ дирижёрликнинг замонавий техникаси шаклланишининг асосий боскичлари;

д/ дирижёрликнинг икки вазифаси /хиссий-маънавий мазмунни ифодалаш ва ижрони бошқариш/.

2.Дирижёрлик апарати /гавда, юз, куллар, кузлар, имо-ишоралар, артикуляция ва бошқалар/ хамда унинг имкониятлари.

3.Дирижёрликнинг асосий холати /гавда, оёк, кул, бош, елка, билак, кул панжаларининг холати/ Дирижёрликда имо-ишораларнинг роли.

4.Дирижёрликда харакатларнинг асосий тамойиллари: эркинлик, график аниклик, имо-ишораларнинг тежамлилиги, “огохлантириш”, бадий максадга мувофиклик.

5.Дирижёрлик харакатининг /дирижёрлик хиссининг/ элементлари: “кулини силташ”, “олдинга интилиш”, “нукта”, “ижрони бошлаш”, “оркага силтаниш”.

6. Дирижёрлик харакатининг дарижёрлик ахбороти куплигини таъминлайдиган хусусиятлари: тезлик, амплитуда, узунлик, куч, масса, йуналиш, шакл.

7. Мусика овозининг имо-ишораларда ифодаланадиган асосий компонетлари: метр, суръат, овоз ютиш, динамика ритми, ижрони бошлаш ва тугатиш.

8. Дирижёрлик ижросини бошлашнинг уч элементи: “диккат”, “нафас”, ва “бошлаш”. Ижрони тугатиш йули, тугатишга тайёргарлик харакати ва узиш.

9. Дирижёрлик харакатлари оркали метрни курсатишнинг асосий конуниятлари /хар бир метрга муайян шакл схемаси мос келади, ундаги хиссалар харакат йуналишининг узгаришига кура ажралиб туради, оркага силтаниш кейинги хисса йуналишига карама-карши томонга йуналади.

10. “Легато” штрихини ижро этиш конуниятлари: харакатнинг нисбатан текис тезлиги, чизикларнинг доиравийлиги, урилиш нуктаси, нон легато /харакат тезлигининг узгариши, харакат чизмаларининг текисланганлиги, “ижро нуктасининг” кескинлиги/.

11. Уч хиссали метрда легато ва нон легато штрихларини ижро этишни такомиллаштириш йуллари. Тактнинг турли хиссаларида ижрони бошлаш ва узиш.

12. Усул чизгиларини курсатиш коидалари: уч хиссали метрда чорак ва ярим ноталарнинг турлича алмашиниб келган усул тасвирларни ифодалаш устида ишлаш. Куллар вазифасининг дастлабки таксимоти /ушлаб туриладиган хиссаларни бир кулда курсатиш, айти пайтда харакатни ифодалаш/.

13. Ижро ифодалилигининг мухим воситаси булган нюансларни динамик белгиларга амал килиб курсатиш йуллари /дирижиёрлик харакати амплитудасининг узгариши, кучи /катъийлиги/, массаси, кулларнинг турли холати. Нюансларнинг узгаришига караб дирижёрлик харакатлари хусусиятларининг айримларидан ёки барчасидан фойдалана олиш, турли нюансларда дирижёрлик килиш/.

14. Турт хиссали улчовда легато ва нон легатони харакатларда курсатиб бериш устида ишлаш. Ижрони тактнинг турли хиссаларидан бошлаш ва узиш.

15. Турт хиссали улчовда чорак ва нимчорак узунликдаги ноталарнинг алмашиниб турадиган усулларини ижро этиш йуллари.

Ярим йилликда урганиладиган асарлар:

а/ 1- синф мактаб репертуаридан камида 4 та асар:

б/ хор учун ёзилган 5-6 та асар: шулардан 1-2 таси талабаларнинг мустакил ишлаши учун белгиланади.

Якуний рейтинг талаблари

Якуний рейтингга мактаб ашула репертуаридан 4 та асар ва 3 та турли характердаги журли услубда ёзилган асар киритилади.

Мактаб репертуаридан олинган 4 та кушик уз журлигида нотага караб ижро этилади.

Кушик олдидан /огзаки/ кириш сухбати.

Дирижёрлик килинадиган асарлардан бирига аннотация /такриз/. Мактаб репертуаридаги асарларни тинглаш алохида, октябрь ойида, утказилади ва унинг натижалари хисобга олинади. Кафедра карори билан бу иш коллоквиум билан бирга олиб борилиши хам мумкин.

Якуний назоратда талаба:

- 2 та а саре 11а асарни фортепианода чалиб бериши /улардан бирини ёддан, иккинчисини нотага караб чалиши мумкин/;

- а' саре 11а асарнинг хор партияларни ёддан айтиб бериши;

- аккордларни нотага караб куйлаши;

- йирик асарларнинг /опера сахналаридан олинган кичикрок хорлар, кантаталарлан парчалар/ хор партитурасини нотага караб чалиб бериши ва хор партияларини куйлаши;

- 1-3- синф мактаб репертуаридан турли характердаги 2 та асар овозларини куйлаб бериши;

- 1- катор хор партитурасига ёзилган асарни транспозиция килиши;

- ижро этилган асарлар, бастакорларнинг ижодий фаолияти хақида батафсил /огзаки/ маълумот бериши;

- урганиладиган асарларда учрайдиган мусикага оид сузларни билиши;

- асарлардан бирига батафсил аннотация /такриз/ ёзиши;

- утилган асарлар юзасидан бериладиган саволларга огзаки жавоб кайтариши;

- 3 та асарга дирижёрлик килиши керак.

Иккинчи ярим йиллик

Мактаб репертуарини урганиш

Биринчи ярим йиликда олинган билим ва малакаларни такомиллаштириш, кушикларни уз журлигида таъсирли килиб ижро этиш, кушик олдидан кириш сухбати утказиш, кушикка аннотация ёзиш.

Тасаввур килинган хорга дирижёрлик килиш, айти пайтда ашула партиясини ижро этиш ва дирижёрлик харакати билан танишиш.

Бир пайтнинг узида фортепианода чалиб, дирижёрлик килиш.

Хор партитураси устида ишлаш.

Ички мусикавий тинглашни ривожлантириш, хор асарларининг талкини устида ишлашни давом эттириш.

2-4 овозли журли ва журсиз /а capella/ хорлар учун ёзилган бир ва икки каторли партитураларни, куплет, икки ва уч кисмли шаклда ёзилган асарларни урганиш; камертон билан ишлаш. Партияларни сольфеджио килиб, сузлари билан, журли ва журсиз ижро этиш. Интервал ва аккордларни

вертикал тарзда ижро этиш. Партитураларни чалиш. Адабий матн устида ишлаш. Урганилаётган асарда адабий матн билан мусикавий матн мутаносиблигига эришиш. Хор партияларини тасаввурда жонлантириш ва асарни улар билан урганиш.

Дирижёрлик билим ва малакалари

1. Уртача ва тезрок суръатда, 3/4 ва 4/4 улчовларда ёзилган асарларга, легато ва нон легатога дирижёрлик килиш. Дирижёрлик харакати амплитудасининг суръатга боғликлиги.

2. Икки чоракли улчовдаги асарларга уртача тезликда легато тарзида дирижёрлик килиш.

3. Пунктир ритмни курсатиш усулларини эгаллаш.

4. Турли такт хиссаларида /дробление/ ажратиб куйлашни дирижёрлик харакатларида курсатиб бериш. Бунда ауф-тактларнинг йуналиши ва чузилиши.

5. Мусика асарларининг кисмларга булиниши. Хусусий ва умумий кульминациялар /авжлар/. Фразалар орасида цезурга /нафас/ ва паузалар. Фразаларни дирижёрлик харакатлари оркали курсатиб бериш.

6. Узиладаган ва узилмайдиган ферматорларни курсатиш усуллари. Асарни тухтатишда, унинг узгаришида ва асарни тугатишда ауф - тактнинг роли.

7. Дирижёрликда чап ва унг кулнинг вазифаси /узига хос ахамияти/. Хор билан ишлашнинг узига хос хусусиятига кура куллар вазифасининг узгариб туриши.

8. Киска муддатли, харакатчан нюансларни ижро этиш.

Ярим йилликда урганиладиган асарлар:

а/ мактаб дастури репертуаридан камида 4 та асар;

б/ 5-6 та хор асарлари /шулардан 1-2 таси талаба томонидан уқитувчи назорати остида мустикал тайёрланади/.

Яқуний назоратга 2- синф мактаб дастуридан 4 та ва турли характердаги 3 та хор асари киритилади.

Мактаб дастуридаги кушикларни чалиб, ёддан куйлаб бериш.

Кушик хақида кириш суҳбати.

Кушикни дирижёрлик харакатлари оркали ифодалаш. Урганиладиган хор асарларидан бирига /мактаб репертуаридаги асарларни куйлаш буйича/ охириги эшитиб куришда куйилган баҳо имтихон баҳосига киритилади.

Яқуний рейтинг:

Яқуний рейтингда талаба:

- камертон оркали хар бир хор партиясига тон бера олиши, овозларни ёддан фортепианода, уз-узига жур булиб ва журсиз куйлаши, аккордларни вертикал тарзда нотага караб куйлаши;

- а карелла асарларидан бирини ёддан, иккичисини нотага караб фортепианода чалиб бериши;
- турли улчовдаги учта асарга ёддан дирижёрлик килиши;
- барча асарлар юзасидан бериладиган саволларга оғзаки жавоб кайтариши;
- асарни яратган бастакорларнинг хаёти ва ижод йули тугрисидаги маълумотларни билиши, уларнинг айрим асарларини куйлаб ёки фортепианода чалиб бера олиши;
- дирижёрлик килинадиган асарлардан бирига батафсил аннотация ёзиши;
- йирик шаклдаги асарларнинг партитурасини ва хор партияларини нотага караб чалиши ва куйлаб бериши;
- 1-2-синф мактаб репертуаридан олинган турли характердаги иккита асардан бирини фортепианода уз-узига жур булиб ёддан куйлаб бериши керак.

2.2. 2 курс Мактаб репертуарини урганиш¹

Учинчи ярим йилликда 3- синф учун 4 та, туртинчи ярим йилликда 4-синф учун 4 та асар урганилади, кушикларга кириш суҳбати олиб бориш, кушикни уз журлигида ижро этиш ёки дирижёрлик харакатларида ифодалаш узлаштирилади.

Дирижёрлик харакатларини урганиладиган кушклар материаллари асосида такомиллаштириш, бир кул билан бир ёки икки овозли хор партиясига дирижёрлик килиш, бир пайтда ҳам куйлаб, ҳам фортепианода чалиш. кушикнинг метр ва ритмини аниқ курсатиб бериш, фразировкалар ифодалилиги, ижронинг бошланиши ва тугатилишини ишонарли килиб курсатиш.

Хор партитураси устида ишлаш

Дирижёрлик техникаси талабларга кура болалар, аёллар, эркаклар ва аралаш хорлар учун мулжалланган 2-3 каторли журли ва журсиз асарларни урганиш. Булар полифоник элементларга эга булган гармоник тузилмада ёзилган, мазмуни ва жанри, мусикий тили ва шакли мураккаброк /туртликли, вариациялар, оддий ва мураккаб 2-3 кисмли /шаклдаги асарлардан иборат булиши лозим.

Хор партияларини журсиз ва фортепианода чалиб ижро этиш. Аккордларни вертикал тарзда куйлаб бериш. Асар бошида ва охирида учрайдиган аккордларни ёддан куйлай олиш.

¹1. Ш-1У ярим йиллик талаблари к'п жиқатдан 'хшаш б'лганлиги учун материал ярим йилликларга ажратилмаган. Фарзли жойлари алоқида таъкидланган.

Асарларнинг узига хос хусусиятларини ва ижрочиликда учрайдиган кийинчиликларни аниклаш, уларни бартараф этиш йулларини белгилаш. Репетиция режасини тузиш. Асарни тасаввур этилган болалар ва усмирлар хори билан урганиш.

Асарни мустакил танлаш ва уни укув хори билан ишлаш учун тайёрлаш. Укитувчиларнинг назорат килиб бориши ва зарур булса, йуналтирувчи саволлар бериши.

Дирижёрлик техникаси Учинчи ярим йиллик

1. оддий /2/4, 3/4, 4/4 ва мураккаб /6/4/, 6/8/ лик/ улчовларда метр /вазн/ларни курсатиш. Дирижёрлик усулларининг турли тузилишидаги фаркларни аниклаш. Метрни курсатиш дирижёрлик усулларининг такт ичидаги хиссаларни гурухларга ажратиш билан богликлиги.

Урганилган улчовларни такомиллаштира бориш.

Олти хиссали метрларни курсатиб бериш усуллари устида ишлаш: “6” га дирижёрлик килинадиган 6/4 ва 6/8 улчовлари.

2.Товушни бошкариш йуллари. маркато /*marcato*/ штрихни курсатиб берувчи дирижёрлик усуллари.

3.Суръат *Allegro Andante*. Дирижёрлик харакати амплитудасининг суръатга богликлиги.

4.Усул /ритм/. унг ва чап кулларда турли хиссаларда бошланишини курсатиш ва “нукта” куйиб оркага кайтиш оркали ижрони тугатишни курсатиш.

Репетиция ишларини олиб боришда дирижёрлик харакатларининг узига хос хусусиятлари.

Туртинчи ярим йиллик

1. 2/4, 3/4, 4/4, 6/4/ /2 га/ улчовларида хиссаларни турли динамик тусларда, суръат ва товуш йуналтирилишида курсатиб бериш малакаларини янада такомиллаштириш.

2.Товуш йуналтириш хусусиятлари. Стаккато хакида тушунча ва унга дирижёрлик килиш усули. Акцентлар /ургулар ва уларни курсатишда панжанинг ахамияти/.

3.Суръат, суръатларнинг алмашилиб туриши. Тез ва огир суръатларнинг алмашилишини курсатиб бериш усуллари.

4.Ритм /усул/. Хор партияларининг ритмик усулларига кура хар бир кулнинг мустакил харакатланиши.

5. Динамика: *pp* /пианиссимо/, /фортиссимо/.

6.Турли динамик тусларда ва турли суръатда ижронинг бошланишини курсатиб бера олиш малакаларини такомиллаштириш.

Ярим йиллик талаблари

1. Аралаш хор учун мулжалланган 1 а *capella* асари:

партитурани ёддан чалиш, хор партиялари ва овозларини асосий мусика булакларининг бошланиши тамом булишидаги аккордларни куйлаб бериш.

2. Аралаш хор учун а сарелла тарзида ёзилган асар: хор партитураси ва унинг аккордларини ҳамда хор партияларини нотага караб чалиш ва куйлаш.

3. Йирик шаклдаги асар: хор овозларини нотага караб куйлаб бериш, партитурани нотага караб чалиш.

4. У синф мактаб репертуаридан турли характердаги иккита асардан бирининг хор овозларини ёддан, иккинчисининг хор овозларини нота буйича куйлаб бериш.

5. 1 синф мактаб репертуаридан олинган кушикни 0,5 тон юкорига ва пастга транспозиция килиш.

6. 1-Ш синф мактаб дастуридаги асарлардан бирини, комиссиянинг талабига кура, нотага караб чалиб бериш.

7. Барча асарлар юзасидан берилган саволларга огзаки жавоб кайтариш.

Назорат машгулотлари учун турли дирижёрлик усулларини намоёйиш килувчи турли хилдаги 3 та асар танланади /шулардан бири болалар хори учун мулжалланган/. Битта асар талаба томонидан мустакил тайёрланади.

/Мактаб репертуари учун куйилган бахо назорат машгулотларини баҳолашда хисобга олинади/.

Назорат машгулотларида талабалар:

1/ фортепианода а сарелла асарларини /биттасини ёддан, иккинчисини нотага караб/ ижро этишлари:

2/ а сарелла асарларидан бирининг барча овозларини ёддан айтиб, иккинчисини эса, нота буйича куйлаб беришлари;

3/ аккордларни вертикал буйича куйлашлари; фразаларнинг боши ва охирида аккордларни ёддан куйлашлари;

4/ 1-синф мактаб дастуридаги турли асарларни 0,5 тон юкори ва пастга транспозиция килишлари;

5/ асар юзасидан комиссиянинг саволларга жавоб беришлари;

6/ асарлардан бирига батафсил аннотация ёзишлари ва колганларини огзаки тахлил килиб беришлари;

7/ камертон ёрдамида тон беришлари;

8/ асарларга ёддан дирижёрлик килишлари керак.

2.3. 3-курс

Бешинчи ярим йилликда У-У1 синф мактаб репертуаридаги асарларни урганиш, у синф кушик репертуаридаги асарларнинг биронтасини 1 тон юкори ва пастга транспозиция килиб чалиш;

гармоник, гомофон-гармоник ва полифоник тактда ёзилган мураккаб мусикий тил ва шаклга эга булган /дирижёрлик техникаси жихатидан курс талабига мос келадиган турли хорлар учун мулжалланган йирик хор асарларини; кантата ва ораториялардан кисмлар, болалар операларидан

хорлар, опера сахналаридан олинган хорларга дирижёрлик килишни урганиш назарда тутилади.

Дирижёрлик техникаси

Бешинчи ярим йиллик

1. Метр. Илгари урганилган улчовлар билан бир каторда 5/8 ва 5/4/ улчовларга хиссаларини таъкидлаб дирижёрлик килиш.
2. Товушларни йуналтиришга хос хусусиятлари. Жуда хам огир суръатдаги асарларда товуш йуналишининг майинлигини курсатиш устида ишлаш.
3. Суръат. Жуда огир, Агогика ва бошқалар.
4. Ритм. Такт чизиклари ва паузалар устида куйилган ферматолар.
5. Динамика /туслар/. Улар чузилган.

Олтинчи ярим йиллик

1. метр. 5/8 ва 6/4 хиссали асарларни “2га” дирижёрлик килиш. Метр тузилиши ва уни курсатиб беришда суръатнинг ҳаракат орқали ифодаланиши /дирижёрлик ҳаракатларини суръатнинг тез ёки огирлигига кура катталаштириш ёки булиш/.
2. Товуш йуналишининг хусусиятлари. Суръати ниҳоятда тез асарларда дирижёрлик ҳаракатларининг аниқ ва кескинлигига эришиш.
3. Суръат. Суръати жуда хам тез асарларни курсатиб бериш усуллари.
4. Ритм. Синкопалар. Уларни курсатиб бериш усуллари.
5. Динамика. sf sp тусларни курсатишда ауф-такт ва дирижёрлик ҳаракати амплитудасининг роли. Уларни курсатиб бериш усулларини эгаллаш.

Укув йилида куйиладиган талаблар

8-10 та хор асарини урганиш. Улардан 2-3 тасини уқитувчининг назорати остида мустақил урганиш. Мактаб репертуаридан 4 та асарни урганиш. Мактаб /У1 синф/ репертуаридан олинган асарларни урганиш натижаси октябрь ойида кусатилади.

Талаба асарни уз журлигида ёддан ижро этиб бериши, ашулани ургатиш элементларини курсатиши, бунда кургазмали куруллардан ва дирижёрлик ишораларидан фойдаланиши лозим. Асарга дирижёрлик килиши, нотага караб ижро этиши, 1 тон юкорига ва 1 тон пастга транспозиция килиши, 3 та асарга огзаки аннотация ва асарлардан бирига кургазмали курул тайёрлаши керак.

Рейтинг талаблари

3-курс якуний назоратнинг талаблари илгаригидан битта асар партитурасини ёддан ижро этилиши билан фаркланади. Колган талаблар эса айнан илгаригиларга ухшайди.

Якуний назоратга 3 та турли характердаги а сарелла ва журли асарлар киритилади.

/Бахолашда талабанинг мактаб репертуари кушикларини ижро этиши, шунигдек, унинг таълимий ёки мактаб хори билан чиқиши ҳам ҳисобга олинади/.

Рейтингда талаба:

- фортепианода иккита а сарелла асарни чалиши, улардан бирини ёддан ижро этиши;

- аккордларни /нотага караб/ вертикал тарзда куйлаб бериши;

- йирик асарларнинг партитурасини чалиб, овозларини нотага караб куйлаши;

- камертон оркали тасаввур килинган хорга тон бериши, хор партияларининг биридан иккинчисига утиб куйлаши;

- мактаб дастуридан 6-синфга мулжалланган иккита кушикни уз журлигига ижро этишда дирижёрлик ишораларидан фойдалана билиши;

- II-III синф мактаб репертуаридан журли асарни транспозиция килиши;

- учта асарга ёддан дирижёрлик килиши;

- турли улчовда, динамика ва суръат жихатидан турлича булган /курс талабига жавоб бера оладиган/ асарларга дирижёрлик килиш усулларини курсата билиши;

- урганилган асарлар муаллифларининг ижодий фаолияти хақидаги асосий маълумотларн сузлаб бериши;

- асарлардан бирига кенг таҳлил ёзиши керак.

Якуний назоратга IУ-УI синфга мулжалланган асарларни тайёргарликсиз нотага караб уқиш ҳам киритилади.

IУ курс

Мусикий бадиий образлари, услуби, жанри мураккаб йирик асарлар /кантаталар ва ораториялардан қисмлар, опералардан кичик сахналар/ урганилади.

Дастурга полифоник асарлар /фугато, фугетта/ киритилади Укув хори дастуридаги асарлардан танлаб дирижёрлик килиш.

Болалар ва усмирлар хори учун ёзилган асарлардан танлаб урганиш. Бунда талабаларнинг мустақиллиги ва ижодий ташаббускорлигига асосланиб иш олиб бориш. Уларнинг мусикий-образли тафаккурини, асарларни урганишга эмоционал ёндашиш ва ижрочилик қобилиятини фаоллаштириш.

Дирижёрлик техникаси

Алмашиниб келадиган 7/8, 7/4 улчовдаги асарларни “7га” ва “3га” турли суръат ва динамик тусларда курсатиб бера олиш.

9/4, 9/8 ликни “9га”, ва “3га” дирижёрлик килиш.

Дирижёрлик техникасининг куп образлигидан аниқ бадиий образни тасвирлашда фойдалана олиш. Бунда уқитувчининг ёрдамсиз мустикал иш олиб борилишига алоҳида аҳамият бериш муҳимдир.

Уқув йилига қўйиладиган талаблар

Йил давомида 6-7 та хор асарини урганиш. Бунга йирик, полифоник услубдаги асарлар, шунингдек, талабаларнинг мустикал ишлари учун болалар хори ҳамда турли характердаги бошқа асарлар киритилади. 1-3-синф мактаб репертуаридан илгари урганилган ва янги танланган асарларни тайёргарликсиз нотага караб чалиб бериш.

Яқуний назорат талаблари

Яқуний назоратга 3 та асар: йирик шаклдаги хорлар ва мактаб репертуаридаги кушиклар киритилади.

Яқуний назоратда талаба:

- иккита а сарелла асарини фортепианода чалиши;
- йирик шаклда ёзилган асарлар партитурасини нотага караб ижро этиши;
- мактаб репертуаридан УП синф учун мулжалланган кушикларни уз журлигида чалиб, овозларни қўйлаб бериши ва дирижёрлик харакатларидан фойдалана олиши;
- 1У синф учун мулжалланган мактаб дастуридаги журли асарни транспозиция килиши;
- асарларга дирижёрлик килиши;
- асарлар юзасидан, хоршунослик ва хор адабиёти буйича берилган саволларга жавоб кайтариши;
- берилган асарлардан бирига кенг тахлил ёзиши керак.

У курс

Дирижёрлик техникаси

Қўйи курсларда хор дирижёрлиги буйича эгалланган малакаларни янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш. 12/4, 12/8 улчови турли суръат ва динамик курсаткичлардаги асарларни 12 хиссага ва “4га” дирижёрлик килиш. Асосий эътибор диплом иши устида ишлашга каратилади.

Уқув йилига қўйиладиган талаблар

Хаммаси булиб бу курсда 4-5та асар урганилади. Шулардан битта а сарелла ва битта йирик шаклдаги асар диплом хорида ишлаш учун олинади.

Мақтаб репертуаридан эса, турли характердаги 2 та асар мустакил урганиш учун олинади.

Якуний рейтинг талаблари

- а сарелла асарини фортепианода ёддан чалиш, хор партияларининг овозини ва аккордларни нотага караб куйлаб бериш;
- йирик шаклдаги асар партитурасини фортепианода нотага караб чалиб бериш, хор овозларини куйлаб бериш;
- диплом дастури учун танланган асарларни хор билан ишлаш режасини курсатиш;
- барча асарлар юзасидан бериладиган саволларга огзаки жавоб бериш;
- асарларга ёддан дирижёрлик килиш;
- мактаб репертуари буйича мустакил иш курсатиш: асарларни фортепианода чалиш, овозларини куйлаб бера олиш ва дирижёрлик килиш.

Туккизинчи семестрдан бошлаб давлат аттестацияси дастури буйича махсус “тинглашлар” ташкил килинади. Бунда хор асарлари тулик ижро этилади, камчиликлар курсатилади ва килиниши зарур булган ишлар юзасидан тавсиялар бериледи.

Давлат аттестациясида талаба

- репетиция ишларини олиб бориш методикаси буйича олган билим ва малакаларини курсатиши;
- хорни ижодий талкин кила олиши, уни эмоционал хамда ишончли ижро этиши ва бадийлигини таъминлай билишини, бошқариш иктидорини намойиш килиши;
- укув хорининг иккита асарига дирижёрлик килиши; 2-3 овозли битта асарни хорга утказиши;
- асарлардан бирига диплом иши ёки реферат ёзиши керак.

Талабанинг дирижёрлик буйича тайёргарлигини бахолашда унинг болалар хори билан ишлашда эришган натижаси хам хисобга олинади.

Тавсия этиладиган асарлар руйхати

1 курс

Журсиз хорлар

1. Чилдирма чалай - Д.Омонуллаева мусикаси, К.Комилов шеъри. 3/4.
2. Майса - Ш.Ёрматов мусикаси. 3/4.
3. Бойчечак - Ш. Ёрматов мусикаси, халк сузи. 2/4.
- 4.Ок каптар - Б. Умиджонов мусикаси, Т.Илхомов шеъри. 2/4.
- 5.Яллама ёрим - В. Шепидов хор учун кайта ишлаган узбек халк кушиги. 2/4.

Журли хорлар

- 1.Биз истикбол эгасимиз - г.Кодиров мусикаси. П.Мумин шеъри. 3/4.
2. Китобим кулимда - Н.Норхужаев мусикаси. П.Мумин шеъри. 3/4
3. Бинафша кушиги - Д. Зокиров мусикаси, П.Мумин шеъри.
4. Пахтакор фарзанди - г.Кодиров мусикаси. Б.Бойкобилов шеъри.3/4.
5. Кугирчогим, аллаё - А.Мухамедов мусикаси, П.Мумин шеъри 3/4.

6. Ёр-ёр - “Ойжамол” операсидан. И. Хамраев мусикаси халк сузи. 3/4.
7. Талимаржон - Х.Рахимов мусикаси, Сайёра шеъри. 3/4.
8. Ватаним - Ф.Назаров мусикаси, У.Рашид шеъри. 2,4.
9. Юлдузлармиз, юлдузлар - Н.Норхужаев мусикаси, П.Мумин шеъри. 2/4.
10. Дангасалик - касаллик - г.Кодиров мусикаси, П.Мумин шеъри. 2/4.
11. Энг чиройли ой - Ш.Ёрматов мусикаси. 2/4.
12. Бахт кушиги - С. Юдаков мусикаси, Миртемир шеъри. 2/4.
13. Ок капалак - А. Мансуров мусикаси. О. Пулатов шеъри. 4/4.
14. Сарик жужаларим - Ф. Алимов мусикаси, О. Пулатов шеъри. 4/4.
15. Калб, хунарга шайлан - М. Насимов мусикаси. Т.Тула шеъри. 4/4.
16. Шоколад - А.Мансуров мусикаси. У.Курбонов шеъри. 4\4.
17. Гиргиттон - Б. Умиджонов кайта ишлаган узбек халк кушиги. 4/4.

11 курс

Журсиз хорлар

- 1.гунча лаби хандоним - Б. Умиджонов кайта ишлаган узбек халк кушиги. 6/8.
2. Ёргинам - Б.Умиджонов кайта ишлаган узбек халк кушиги. 6/8.
3. Уйнасин ёр - Б. Умиджонов кайта ишлаган узбек халк кушиги. 4/4.
4. Духтари саман - Б. Умиджонов кайта ишлаган узбек халк кушиги. 6/8.
5. Хо, ялло-ялло, кизгина - Б. Умиджонов кайта ишлаган узбек халк кушиги. 6/8.
6. Чаманда гул - Б. Умиджонов кайта ишлаган узбек халк кушиги. 6/8.
7. Чизгилар /1У кисм/ - М. Бафоев мусикаси. Ибн Сино газали. 6/4.
8. Заррагул - М. Бурхонов кайта ишлаган тожик халк кушиги. 6/8/
9. Ого дорам - Б.Умиджонов кайта ишлаган хоразм халк кушиги. 6/8.

Журли хорлар

1. Лапар - “Олтин кул” мусикали драмасидан. М. Левиев мусикаси. Уйгун шеъри. 2/4.
2. Салом, куёнжон - Н.Норхужаев мусикаси. Р. Толипов шеъри. 2/4.
3. Умрсиз навбахор - “Туёна” кантатасидан. С.Бобоев мусикаси, Х.гуломов шеъри. 6/8.
- 4.Гулсара, Асал ва кизлар хори - “Гулсара” операсидан Т.Содиқов ва Р. Глиэр мусикаси. К.Яшин шеъри. 6/8.
5. Кизлар туй хори - “Бурон” операсидан. В.Василенко ва М. Ашрафий мусикаси. К. Яшин шеъри. 6/8, 2/4.
6. Эркақлар туй хори - “Бурон” операсидан. С. Василенко ва М. Ашрафий мусикаси. К.Яшин шеъри. 6/8.

7. Алла - А. Мухамедов мусикаси, Э .Обидов шеъри. Аралаш хор учун Б.Умиджонов мослаштирган. 6/8.

8. Муборак - “Зайнаб ва Омон” операсидан. Т. Содиков ва Б. Зейдман мусикаси. Зулфия либреттоси. 3\4.

9. Гулла, Мирзачул - “Мирзачул” вокал - симфоник сюитасидан. С.Юдаков мусикаси. г.гулом шеъри.

Ш курс Журсиз хорлар

1. Далиман - Б. Умиджонов кайта ишлаган тожик халк кушиги. 3/4.
2. Не килдик кишу ёз - А. Васильев кайта ишлаган узбек халк кушиги. 6/8.
3. Мунгли киз - Б.Умиджонов кайта ишлаган коракалпок халк кушиги. 3/8, 5/8, 6/8.
4. Комузчу - Б. Умиджонов кайта ишлаган киргиз халк кушиги.Б.Уметалиев шеъри. 2/4.
- 5.Чаман ичра - С.Бобоев кайта ишлаган халк кушиги. 2/4.
- 6.Ялла - г.Кодиров мусикаси. Р.Бобожонов шеъри. 4.4.
- 7.Чизгилар /1У кисм/ - М.Бобоев мусикаси, Ибн Сино газали. 3/4.

Журли хорлар

1. Севикли ёр - Х.Изомов мусикаси. Б.Бобоев шеъри. 3/8.
2. Муборак - Ик, Акбаров мусикаси. С.Акбаров шеъри. 6/8, 9/8.
3. Вальс – "Икки билагузук" мусикали драмасидан. С.Бобоев мусикаси. Т.Тула шеъри. 3/8.
- 4.Муборак - Ик.Акбаров мусикаси.С.Акбаров шеъри. 6/8, 9/8.
5. Туй хори - “Лайли ва мажнун” операсидан. Т.Содиков ва Р.Глиэр мусикаси. Хуршид шеъри. 3/8.
- 6.Ялла ва ракс - “Зайнаб ва Омон” операсидан. 2/4.
7. Ойхон ва Чупон дустларининг чикиши сахнаси - “Майсаранинг иши” операсиданн. С.Юдаков мусикаси, Хамза асари. 5/8.
8. Алёр - С.Юдаков мусикаси. Миртемир шеъри. 4/4-2 га.

111 курс Журсиз хорлар

1. Ёрларим - М. Бурхонов кайта ишлаган узбек халк кушиги. Мукимий шеъри.
2. Уйнамду яхши - Б. Умиджонов кайта ишлаган уйгур халк кушиги. 4/4.
- 3.Гузал кизга - М. Бурхонов кайта ишлаган хоразм халк кушиги,3/4.

4. Кийик - М.Ниёзов мусикаси, Е.Нечаев кайта ишлаган. Т.Тула шеъри. 2/4.
5. Айрилик - М.Бурхонов кайта ишлаган коракалпок халк кушиги, Бердак сузи. 6\8, 9/8.
6. Айттым салем, каламкас - Е.Нечаев аралаш хор учун кайта ишлаган козок халк кушиги. 2/4, 2/2.
7. Токай ман аз финокат - Б.Умиджонов хор учун кайта ишлаган тожик халк кушиги.

Журли хорлар

1. Кизлар ва йигитлар яллеси - “Зулматдан зиё” операсидан. Р.Хамраев мусикаси, Т.Тула либреттоси. 6/8.
2. Мехнат кушиги - “Бахт кушиги” кантатасидан. М. Ашрафий мусикаси. Т.Фаттох шеъри. 7/8.
3. Халк кахри - “Тухтагул” операсидан. В.Власчов, А.Малдибаев, В.Ферео мусикаси. 4\4, 3/4, 5\4.
4. Финал хори - “Бурон” операсидан - М.Ашрафий ва С. Василенко мусикаси. К.Яшин шеъри. 4/4.
5. Финал хори - “Лайли ва Мажнун” операсидан - Р.Глиэр ва Т.Содилов мусикаси. Хуршид шеъри. 4/4.
6. Охириги хор - “Гулсара” операсидан. Р.Глиэр ва т. Содилов мусикаси, К.Яшин шеъри. 4/4.
7. Бухоро ракси яллеси - “Дилором” операсидан. М.Ашрафий мусикаси, К.Яшин шеъри.
8. Хоразм ракси яллеси - К.Яшин шеъри. М.Ашрафий мусикаси.
9. Фаргона ракси яллеси - М. Ашрафий мусикаси. К.Яшин шеъри.

1У курс

Диплом дастури

Журсиз хорлар

1. Чашми сиёх /кора куз\ - М.Бурхонов кайта ишлаган афгон халк кушиги. Аёллар хорига К.Маъмиров мослаштирган. 6/8.
2. Энди сандек - С.Бобоев кайта ишлаган узбек халк кушиги. Мукимий газали. 4/4.
3. Созлар нагмаси - М. Бафоев мусикаси 4/4.
4. Лахза лахза - К.Маъмиров мусикаси. Фуркат газали. 4/4.
5. Ажаб нозик - М.Бафоев мусикаси. Б.Умиджонов кайта ишлаган тожик халк кушиги.
6. Дам кул - М.Бурхонов кайта ишлаган афгон халкушиги. 4\4.
7. Гуле Гандум - М.Бурхонов кайта ишлаган афгон халк кушиги. 4/4.
8. Гузал - Б. Умиджонов мусикаси. М. Туроббоев шеъри. 6/8.
9. Эй, санам - Б. Умиджонов мусикаси. 7/8, 2/4, 4/4.

Журли хорлар

1. Фигонким - "Фуркат" фильмидан. С. Юдаков аралаш хор учун кайта ишлаган узбек халк кушиги. Фуркат газали.
2. А.Навоий касидаси - М. Бурхонов мусикаси, А.Орипов сузи. 4\4, 4/3.
3. Ёр экан - "Дилбарим" сюитасидан. М.Насимов мусикаси, Х.Шарипов шеъри. 7/8.
- 4.Баглар хей - Д.Овезов мусикаси. Махтумкули сузи. 6/8, 9/8.

АДАБИЁТЛАР:

1. Б.Умеджонов. Узбекистон ва Козогизтон халк кушиклари. Хор учун мослаштирилган. Т:Узб.1982, 102-б.
2. С.Бобоев. Журсиз хорлар.Т:Укитувчи, 1998, 61 бет.
3. М.Бурхонов. Журсиз хорлар. Т:Укитувчи, 1999, 78-бет.
4. Куёш юртим. Укув кулланма. К.Мамиров, У.Рахимов, И.Рузиев муаллифлигида. Т: Низомий номли ТДПУ, 1999, 80-бет.

4. Укув юкламаси хажмининг машгулот турлари буйича таксимланиши (соатларда)

Семестр	Жами	Маъ- руза	Амалий Машгулот	Лабора- тория иши	Муста- кил таълим	Курс Иши
1-сем.	19	-	15	-	4	-
2-сем.	19	-	15	-	4	-
3-сем.	19	-	15	-	4	-
4-сем.	19	-	15	-	4	-
5-сем.	38	-	30	-	8	-
6-сем.	38	-	30	-	8	-
7-сем.	24	-	20	-	4	-
8-сем.	45	-	34	-	11	-

МУНДАРИЖА

1. Суз боши 3

2. Амалий машгулотлари мавзуларининг мазмуни	9
2.1.1 курс	9
2.2.2 курс	13
2.3.3 курс	16
2.4.4 курс.....	20
Тавсия этиладиган адабиётлар руйхати	21
4. Укув юкламаси хажмининг машгулот турлари буйича таксимланиши.	